

## ЎЗБЕКИСТОНЛИК МУҲОЖИР КАРИМОВНИ ДАВЛАТНИ БОШҚАРИШДА ЛАЁҚАТСИЗЛИКДА АЙБЛАДИ

Шу йилнинг 17 апрель куни Ўзбекистонлик ўзини Фурқат Абдуллаев деб таништирган меҳнат муҳожирини Youtube орқали президент И. Каримовга мурожаат қилиб уни давлатни бошқаришда лаёқатсизликда айблади. У Каримовнинг бошқарув йилларида диктаторлик режимини сақлашга қаратилган тоталитар тизим яратилганини таъкидлайди.

“СССР парчаланганидан сўнг бизнинг буюк давлат қуриш орзуимиз бор эди. Сизнинг 23 йиллик бошқарувингизда биз нимага эришдик? Сиз бизнинг орзуимизни ўғирладингиз жаноб президент! Буюк давлат ўрнига иқтисодий жиҳатдан боши берк йўлга кириб қолдик.

Барча йирик корхоналар инқирозда, ёки банкрот ҳолатида ёки талон-ғарож қилинган.

Биз sanoatlashgan ishlab chiqarish hajmini oshirish ўрнига бошқа давлатларнинг ҳам ашё етказиб бериш манбаига айланиб қолдик”, – дея таъкидлайди Абдуллаев.

Бундан ташқари Абдуллаев ўз мурожаатида давлат бошқарув тизимига ҳам тўхталиб қуйидагича мурожаат қилади:

“Давлат тузилмаларида эса энг қуйидан бошлаб тепагача, сизнинг

вазирларингизгача коррупцияга ботган.

Сиз давлат ҳокимиятининг шундай вертикал шаклини яратдингизки, ҳатто энди ўзинингиз ҳам қўл остингиздагиларни назорат қила олмаяпсиз.

Янада қуйироқдагилар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шу сабабли ҳам ўз қўл остингиздаги барча йирик мансабдор шахсларнинг ҳорижга чиқишлари учун шахсан ўзингиздан рухсат олишлари лозимлиги тўғрисида фармон бердингиз.

Бунинг маъноси шуки, кемангиздаги барча каламушлар қочишни бошлаган, сиз эса уларни тўхтатиб қолиб “чўксак ҳаммамиз бирга чўкамиз” -демоқдасиз”.

Бугунги кунгача видео роликни 46 минга яқин одам томоша қилган. Раҳматуллоев ўз мурожаатининг 12 минутада Ўзбекистоннинг бугунги кундаги муаммоларини санаб ўтади ва Ислоҳ Каримовни давлатни бошқариш лаёқатига эга эмаслиқда айблади.

Бундан ташқари, Раҳматуллоев Ўзбекистондаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзбошимчалигини ва бутун мамлакатнинг коррупцияга домига тушиб қолганини таъкидлайди.

ЎХХ ахборот бўлими

## Телеканалларда давлатга қарши чақириқ бўлмаслиги учун чоралар кучайтирилди

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 14 апрель куни қабул қилган қарори билан телерадиоадастурларда изнсиз чиқиш ва давлатга қарши чақириқларнинг олдини олиш чоралари кучайтирди

Телерадиоузатиш тизимларини ҳукуматга қарши кучлар тарафидан ишғол қилиниб, тузумга қарши тарғибот воситаси сифатида фойдаланмаслиги учун амалга ошириладиган хавфсизлик чоралари вазирлар маҳкамаси қарори билан фавқулодда кучайтирилди.

Қарор талабига кўра, телерадиоузатиш тизимлари санкциясиз эфирга чиқиш ҳолати юз бераётганида ўз-ўзини вайрон қиладиган тарзда қайта жиҳозланиши лозим.

Ўзбекистондаги Нодавлат телекомпаниялар телетармоғида (НТТ) ишлайдиган ва шахси сир қолишини йўқотган журналистнинг Озодликка айтишича, бу чоралар Украина шарқида россияпараст айирмачиларнинг маҳаллий телеканалларни ишғол қилгани боис юзага чиққан ташвиш туфайли қабул қилинган.

Айни пайтда суҳбатдош бундай чоралар ортиқча кўркув боис қабул қилингани ва амалда бажариб бўлмамлигини ҳам таъкидлади.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси жорий йил 14 апрелида тасдиқлаган “нодавлат студияларни қўриқлаш ва хавфсизлигини таъминлаш қоидалари” телерадиоузатиш тизимларининг Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизматининг тўла назоратига ўтганини қонунлаштиргани айтилади.

Бир ой ичида қарор ижросини таъминлаш мажбуриятини олган НТТ ходимининг Озодликка

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)



айтишича, асосий талаб телестудияларга эҳтимолий ҳужумларнинг олдини олишга қаратилган.

- Бу қарор билан танишдим. Масалан, студияга ҳужум бўлса ёки санкциясиз эфирга чиқишга кимдир уринса, эфирга узатиш тизимини вайрон қиладиган мослама ишга тушиши кераклиги талаб қилинган. Бундай усқунани биз бир ой ичида ўрнатишимиз лозим.

Бундан ташқари студияга кирадиган одамлар СНБ тарафидан текширилиб, махсус пропуск билан таъминланиши ҳам шарт қилинди, дейди суҳбатдош.

Ўзбекистондаги телерадио-студияларни қўриқлаш иши 14 апрелдаги қарорга кўра, Ички ишлар вазирлиги қошидаги қўриқлаш идораси тарафидан амалга оширилиши зарур.

Озодлик суҳбатлашган қўриқлаш

идораси зобитининг микрофонсиз суҳбатда айтишича, шу пайтгача ҳам телестудияларни қўриқлаш Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги қошидаги қўриқлаш идораси тарафидан амалга оширилиб келинган:

- Ҳозир талаб кучайди. Масалан, олдин студияларда телефонга уланган қўриқлаш тизими етарли ҳисобланган бўлса ҳозир табел қуроли бўлган камида иккита ички ишлар ходими студияни қоровуллаши шарт қилинди,- дейди суҳбатдош.

14 апрель куни қабул қилинган қарорда телерадиоузатиш усқунлари турган хоналарга канализация, ҳаво тозалаш каби тизимлар уланмаслиги назарда тутилган.

Қўриқлаш идораси зобитининг айтишича, Ўзбекистон ҳукуматига қарши чақириқ қилмоқчи бўлган деструктив кучларнинг телеузатиш тизимига яқинлаштирмаслик учун бу қатъий чораларга қўл урилган:

- Канализация ёки вентиляция қувурларидан ҳукуратимиз душманлари студияга кириб олиб, давлатга қарши чақириқ қилиши мумкин. Ушанинг учун ҳам айнан вентиляция системасини назоратдан ўтказдик,- дейди қўриқлаш идораси зобити Озодлик билан микрофонсиз суҳбатда. Кейинги бир ой ичида Ўзбекистон телестудияларида назорат

кучайтирилгани кузатилди. Апрель ойи бошида Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (ЎзМТРК) ўз журналистларини матбуот анжуманларида «ўзбошимчалик билан саволлар бермаслик» ҳақида қаттиқ огоҳлантирган эди.

Телевидениеда бу ҳақда махсус йўриқнома ишлаб чиқилиб, унга амал қилмаган журналистлар ишдан ҳайдалиши айтилган. Бундан олдин ЎзМТРК ходимлари руҳсатсиз хорижга чиқмасликлари ҳақида огоҳлантирилган эди.

Ҳозирда бу каби кўрсатма қаттиққўллик билан тадбиқ этилаётганига ишоралар бор.

Низом чиққанидан сўнг руҳсатсиз чет элга чиққан камида бир журналист ишдан бўшатирилган.

Ўзбекистон телеканалларида оддий одамлар иштирокида жонли кўрсатувлар қилинмаслик ҳақида кўрсатма илгаридан мавжудлиги айтилади.

Бундай кўрсатма фуқаровий жамият фаоли бўлган Исоқ Абдуллаевнинг ЎзМТРК жонли дастурида иштирок қилган пайтида мавзудан ташқарига чиқиб, президентга мурожаат қилганидан кейин 1999 йилда қабул қилинган тахмин қилинади. Ўзбекистонда телерадио узатгичлар воситасида изнсиз тарзда давлатга қарши чақириқ қилиниши ҳолати кейинги 20 йилда кузатилмагани айтилади

[ozodlik.org](http://ozodlik.org)

## ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING УЧ НАФАР РАҲБАР ҲОДИМИ ИШДАН БЎШАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида давлат солиқ хизмати органлари фаолиятининг I чорак якунларига бағишланган кенгайтирилган Ҳайъат йиғилиши ўтказилди, деб хабар беради Давлат солиқ қўмитаси ахборот хизмати.

Хабарда айтилишича, йиғилиш давомида жорий йил I чораги учун белгиланган прогноз кўрсаткичларининг ижроси танқидий кўриб чиқилган. Асосий эътибор раҳбар ходимларнинг ўз ваколатларини қай тарзда бажараётганига қаратилган. Бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тушумларни таъминлашда камчиликларга йўл қўйган Наманган, Самарқанд, Сирдарё ва Андижон вилоятлари давлат солиқ органлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилиб, уларнинг мазкур йўналишдаги фаолияти қониқарсиз деб топилган ҳамда II

чорак прогноз кўрсаткичларини сўзсиз бажаришга доир чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Шу билан бирга, солиқ тўловчи жисмоний шахслардан 2013 йилги жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияларни қабул қилиш натижалари сарҳисоб қилиниб, Фарғона ва Жиззах вилоятларида бу борадаги тадбирлар тўлиқ якунланмагани учун мутасадди раҳбарларнинг масъулияти кўриб чиқилган.

Бундан ташқари, йиғилиш иштирокчиларига ўтган даврда зиммасидаги вазифаларни виждонан бажармасдан, таъмағирлик каби салбий ҳолатлар содир этган солиқ ходимлари тўғрисида тайёрланган махсус видеоларҳалар намойиш этилган. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига ташрифи чоғида берилган топшириқлардан келиб

чиқиб, деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солиш, шарт-шароитларни яхшилаш борасидаги камчиликларни бартараф этиш, уларнинг ҳудудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар томонидан солиқ қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш самарадорлигини ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланган.

Муҳокамада марказий аппарат таркибий тузилмалари ва ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилиб, фаолиятида камчиликларга йўл қўйган 3 нафар раҳбар ходим эгаллаб турган лавозимдан озод этилган, 32 нафарига нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари қўлланилган.

Йиғилишдан сўнг ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари раҳбарлари учун амалий семинарлар ташкил этилган.

UZBEK.FM

Тошкент шаҳрининг “Минор” маҳалласида шаҳардаги энг йирик жомъе масжиди қурилмоқда.

Қурилиш тархига ва у ерда олиб борилаётган иш кўламига кўра қурилаётган иншоот бошқа масжидларга қараганда анча маҳобатлироқ бўлиши мақсад қилингани аён бўлади. Қурилиш лойиҳасидаги маълумотларга кўра масжид 2,4 минг кишига мўлжалланган.

Ажратилган ҳудуддаги қурилиш ишлари, 2013 йилнинг ёз охирида



## ТОШКЕНТДАГИ ЭНГ КАТТА МАСЖИД ҚУРИЛИШИНИ АЛИШЕР УСМАНОВ МОЛИЯЛАШТИРАЁТГАНИ АЙТИЛМОҚДА

бошланган. Масжид қурилиши ва унинг атрофини ободонлаштириш ишларини 2014 йил 1 ноябригача якунлаш кўзда тутилган.

Қурилиш ишлари бошланиши билан кўпгина интернет нашрлари ушбу масжид қурилиши билан боғлиқ хабарлар берилганди.

Ўша вақтдаги хабарларда асосий эътибор масжид қурилиши муносабати билан у ерда бузилаётган аҳоли хонадонлари ва хизмат кўрсатиш объектларига қаратилганди.

Айни пайтда расмий матбуот ушбу масжид қурилишининг Ўзбекистон Президенти томонидан 2013 йил июль ойида имзоланган “Тошкент шаҳридаги “Минор” маҳалласи ҳудудида масжид қуриш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори”га асосан амалга оширилаётгани ва масжид Ўзбекистон давлат бюджети ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси маблағларига қурилаётгани ҳақида ёзганди. Бироқ, сўнги маълумотларга кўра, маҳалла аҳолиси орасида масжид қурилиши айнан россиялик миллиардер Алишер Усманов томонидан молиялаштирилаётганлигига шубҳа қолмаган.

Маълумки, ўтган йили автохалокатга учраган ҳалок бўлган Алишер Усмановнинг жияни Бобур Усманов 2013 йилнинг 8 май куни “Минор” қабристонига тупроққа қўйилганди. Ягона меросхўрнинг дафн маросимида Алишер Усманов ҳам иштирок этганди.

Алишер Усмановнинг жиянидан ташқари унинг отаси ва ўзига яқин бўлган қариндошларнинг хилхонаси ҳам ушбу қабиристонга дафн этилган.

Алишер Усмановнинг укаси Баҳоидир Усмановнинг ҳонадонига яқин бўлган манбанинг айтишича, Алишер Усманов айнан жиянининг дафн маросимидан кейин масжид қуришга аҳд қилган. Унинг айтишича, масжид қурилиши олдида кўпгина уйлар бузилганда ва аҳоли норизо бўлмаслиги учун уйи бузилган одамларга Юнусобод туманидан квартиралар сотиб олиб берилган. Бу ишга Юнусобод туманидаги бир нечта риелторлик фирмалари ҳам жалб қилинганлиги айтилади.

“Масалан, бир ховлида иккита оила турадиган бўлса, иккита квартира берилди. Уйи бузилганларнинг аксарияти кам таъминланган оилалар бўлгани учун хурсандлигини яширмаяпти”, — дейди суҳбатдош. Гувоҳларнинг таъкидлашича Бош вазир Ш. Мирзиёевнинг шахсан ўзи масжид қурилишининг назоратга олган. Айни масжиднинг қурилиши бўйича шаҳар ва туман ҳокимларини йиғиб улардан қурилишга катта эътибор ва маъсулият билан қаралишини қаттиқ талаб қилган. Бундан ташқари, Бош вазир кўрсатмасига кўра масжиднинг қурилиш жараёнини суратга олиш ва сеъёмка қилиш катъиян тақиқланган.

Яна бир эътиборли жиҳати, бош қурилишнинг пудратчиси “ТРЕСТ12” ОАЖ ҳисобланади.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси ҳамда Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари мажмуаси раҳбари — Ботир Зокиров 2011 йил декабрь ойида ушбу лавозимга келгунга қадар “ТРЕСТ12” ОАЖнинг

24,37% лик акциясига эгаллик қилиб келган.

Масжиднинг бош биноси — икки қаватли хонақоҳдан иборат. Лойиҳага кўра, масжидда иккита пештоқ, иккита минора ва бир гумбаз бўлади. Масжид хашаматли масжид Кичик халқа йўлидан яққол кўзга ташланади. Кичик халқа йўлидан бурилишда масжид ҳовлисига кириш дарвозаси ва асосий пештоққа юзма-юз келиш мумкин. Ўнг томонда Бўзсув соҳилигача майсазордан иборат хиёбон, чап тарафда эса барча қулайликларга эга замонавий таҳоратхона қурилади. Қурилишда ишлаётган меъморларнинг сўзларига қараганда, масжиднинг ташқи ва ички кўриниши Тож Маҳал сингари оқ рангда бўлиши режалаштирилган.

Ҳатто таҳоратхона ва хожатхоналаргача барчаси оқ рангда бўлиши топширилган. Иккинчи пештоқ ховлидан ўтиб хонақоҳга кираверишда тикланмоқда. Олтибурчак шаклидаги хонақоҳ устига улкан гумбаз ўрнатилади.

Баландлиги 38 метр бўлган икки минора биринчи пештоқнинг икки ёнига туташ деворлар муволишида қад кўтаради. Ҳозирда минораларнинг мустаҳкам пойдеворлари қуйилган. Масжид ҳовлисининг икки томонида миллий ёғоч ўймакорлиги услубларида безатилган устунлар саф тортган айвон қурилади. Қурилиш ишларига 300 дан зиёд усталар ва меъморлар жалб қилинган. Қурилишдаги ишчиларнинг таъкидлашича, масжиднинг “Қурбон Хайити” куни очилиши ва илк Хайит намози ўқилиши мўлжалланмоқда.

*ЎХХ ахборот бўлими*





## ЎЗБЕКИСТОНДА СУД ТИЗИМИ ҲАМОН ИСЛОҲОТДА

Ўзбекистон президенти 22 апрель куни судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги Низомнинг янги таҳрири тасдиқланган қонунни имзолади.

Мазкур Қонун Олий Мажлис қонунчилик палатаси томонидан 25 февралда қабул қилиниб 10 апрелда Сенат томонидан маъқулланганди. 23 апрель куни қонун “Народное слово” ва “Халқ сўзи” газеталарида эълон қилинди ва шу кундан бошлаб кучга кирди. Газеталарда судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги Низомнинг янги таҳрирдаги матни келтирилмаган ва унинг қонунлар тўпламида нашр қилиниши айтилади.

Ушбу Низом 2012 йил 30 ноябрдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чоралар тўғрисида”ги президент фармони ва 2012 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилганлиги таъкидланади.

Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги Низомнинг янги таҳрирда қабул қилинишини эса Ўзбекистонда суд соҳасида 2012 йилдан бери давом этиб келаётган навбатдаги ислохотларнинг таркибий қисми дейиш мумкин.

Маълумки, 2014 йилнинг 11 апрель куни Олий Мажлис Сенатининг “Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Қарори билан Олий суд таркиби янгиланганди.

Шу куннинг ўзиде Олий Мажлис Сенати томонидан “Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгариш киритиш тўғрисида”ги Қарор ҳам қабул қилиниб судьялар таркиби яна тўртта судьяга янгиланганди.

Ҳозирда қабул қилинган Низомнинг аҳамияти шундан иборатки, айнан мазкур ҳужжат билан Ўзбекистонда судьяларнинг малака ҳайъатларини сайлаш тартиби, уларнинг фаолиятини ташкил этиш ва ваколатлари белгилаб берилади.

Бундан ташқари, ҳужжат судьяларнинг интизомий жавобгарлиги масаласини ва бу билан боғлиқ ишларни кўриш тартибини ҳам белгилайди.

Низомда судьяларнинг малака ҳайъатлари томонидан номзодларнинг касбий, маънавий-ахлоқий ва шахсий фазилатлари ўрганилишини ташкил этиш каби муҳим вазифа ҳам белгиланади.

Бу эса, бугунги кунда Ўзбекистонда судьялари орасида тез-тез учраб турадиган пора олиш амалиёти билан бевосита дахлдордир.

Маълумки, судьяларнинг пора билан ҳибс этилиш ҳолатлари Ўзбекистон воқелигида кўп учрайди.

Мутахассислар бунини Ўзбекистондаги судьяларнинг ижтимоий жиҳатдан етарлича ҳимоя қилинмаганлиги билан изоҳлайди. Бироқ, юқорида таъкидлаганимиздек 2012 йилда бошланган суд соҳасидаги ислохотларнинг навбатдаги босқичи айнан судьяларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришнинг меъёрий

асосларини шакллантиришдан бошланганди.

Хусусан, 2012 йилнинг 2 августида “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилинган.

Мазкур ҳужжатни қабул қилиш орқали суд тизими ходимларини моддий жиҳатдан рағбатлантириш (пора олиш) амалиётига чек қўйиш назарда тутилган.

Шу мақсадда судьяларни даромад солиқларидан озод қилиш

ва уларга узок муддатли уй-жой кредитлари бериш билан бир қаторда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суди судьяларининг ҳар ойда ойлик маошларининг 50% миқдоридаги устама ҳақлари тўланиши белгилаб қўйилганди.

Бироқ, ҳозиргача мазкур рағбатлантириш чоралари ҳам ўз судьяларнинг пора олиш амалиётини камайишига олиб келмади.

Хусусан, 2013 йилнинг 28 декабрь куни жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди судьяси Дилфуза Ризаева ҳам пора олиш чоғида ҳибсга олинган.

Ундан бир неча кун олдин эса, Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Қарши туманлараро судининг судьяси Фахриддин Жуманазаров ҳам катта миқдорда пора олишда айбланиб МХХ тарафидан Қарши шаҳридаги Пахтазор туманида қўлга олинган. Шу йилнинг 27 март куни эса Тошкент вилоятининг фуқаролик ишлари бўйича Ўргачирчиқ туманлараро суди судьяси А.Абилов ўз иш жойида 250.000 сўм (100 АҚШ доллари) миқдорида пора олаётган вақтда МХХ ходимлари томонидан қўлга олинган. Эндиликда юқоридаги Низомнинг янги таҳрирда қабул қилиниши билан судьялик лавозимларига номзодлар захирасини шакллантириш ва номзодларни танлаш билан боғлиқ бир қанча талаблар янгиланганлиги айтилмоқда. Ушбу норматив ўзгаришларнинг Ўзбекистондаги суд тизимининг яхшиланишида қанчалик самара беради бунини вақт кўрсатади.


ЎХХ ахборот бўлими

Ўзбекистонда пластик карточкалар билан боғлиқ муаммо бир-нечайиллардан бери ўз ечимини топмасдан келаётгани барчага аён. Ойлик маошларнинг узкард, онлайн ва виза каби бир неча турдаги пластик карточкаларда берилиши ва аксарият савдо расталаридаги терминалларнинг эса фақат бир турдаги карточкаларни қабул қилиши ҳам аҳолига ноқулайлик туғдирувчи муаммолардан бири бўлиб келмоқда.

карточкадаги савдони эндигина йўлга қўйишган вақтда сотувчилар баъзида терминалларнинг ишламаслигини баҳона қилишса туман солиқ бўлимининг ишонч телефонига мурожаат қилардик.

Солиқ идораси вакили ҳам узоқ куттирмасдан етиб келарди ва муаммо бир пасда ҳал бўларди.

Ҳозир эса, мана уч ойдики хўжалик моллари дўкони ва учта озиқ-овқат дўконлари ёппасига пластик карточкаларга савдо



## Ўзбекистонда пластик карточкалар билан боғлиқ яна бир муаммо

Бироқ, сўнги пайтларда таҳририятимиз почтасига келиб тушган кўпгина мактубларда пластик карточкалар билан боғлиқ яна бошқа бир муаммо пайдо бўлганлиги ҳақида сўз боради.

Уларда айтилишича, илгари пластик карточкалар билан савдо қилувчи кўпгина дўконлар ва савдо расталари бугунга келиб фақат нақт пулга савдо қилишга ўтиб олишган.

Хусусан, Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманида яшовчи фуқаро ўз мактубида “энди пластик карточкалар бекор бўладиган бўлдими?” деган савол билан мурожаат қилади.

Унинг айтишича, ўзи яшайдиган маҳаллада тўртта озиқ-овқат ва битта хўжалик моллари сотадиган дўкон жойлашган.

Бир неча йиллар илгари ушбу дўконларнинг барчасида пластик карточкалар билан савдо қилиш йўлга қўйилган.

Бироқ, сўнги уч ой ичида улар бирин-кетин пластик карточкаларга савдо қилишни тўхтатишган. Мактуб эгасининг ёзишича ҳозирда фақат биргина озиқ-овқат дўконидагина пластик карточкага савдо қилиш мумкин.

Бироқ, бу ҳам фақат пластик карточкаларнинг узкард турига мослашган бўлиб онлайн карточкалар қабул қилинмайди.

“Ушбу дўконлар пластик

қилишни бекор қилишди.

Ишонч рақамларига қўнғироқ қилсангиз ҳеч ким жавоб бермайди ёки сизни бошқа номерга йўналтиришади.

Хуллас, бу солиқчиларнинг парвоига ҳам келмаяпти”, – деб ёзади мактуб эгаси.

Ҳудди шу мазмундаги мактуб Навоий шаҳридан ҳам келган. Мактубда ёзилишича, маҳаллада жойлашган озиқ-овқат билан савдо қилувчи ягона дўкон икки ойдики пластик карточкага савдо қилишни тўхтатган.

Дўкон атрофида яшовчи фуқароларнинг солиқ органларига бир неча бор мурожаат қилишлари эса натижа бермаган.

Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларидан бирида таҳсил олувчи талаба номидан келган мактубда эса Университетдаги талабаларнинг умумий овқатланиш ошхонаси сўнги бир ой мобайнида пластик карточкага савдо қиладиган терминални олиб ташлаган.

Талабанинг ёзишича ошхона ишчилари терминал олиб қўйилганлигини пластик тўловни амалга оширишнинг янги тизимига ўтишаётгани билан изоҳлашган ва тез орада ишга туширилишини айтишган.

Келтирилган ҳолатлардагидек илгари пластик карточкаларга савдо қилиб келган дўконларнинг

бирданига нақд пулга ўтиб олишлари билан боғлиқ яна бир неча мактублар мавжуд.

Савдо дўконларининг карточкаларни қабул қилишни тўхтатганлик сабаблари солиқ органлари томонидан назоратнинг сусайтирилганлигимиз ёки бошқами ҳозирча номаълум.

Эслатиб ўтамиз, ойлик маошларининг пластик карточкаларга ўтказилиши билан боғлиқ Вазирлар Маҳкамасининг қарори 2004 йил 24 сентябрда қабул қилинган.

Мазкур қарорига билан бюджет ташкилотлари Тошкент шаҳрида 2005 йил 1 январдан, вилоят марказлари ва бошқа шаҳарларда 1 июлдан бошлаб ойлик маошларни пластик карточкалар билан бериш тизимига ўтиши белгиланган.

Президент Ислам Каримов жорий йилнинг 17 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил якунларига бағишланган мажлисида қилган чиқишида Ўзбекистонда шу пайтгача “10 миллиондан зиёд пластик карточка муомалага чиқарилган бўлиб, уларнинг қарийб 2 миллион 500 мингтаси онлайн карточкалардир.

Бугунги кунда телекоммуникация ва коммунал хизматлар учун тўловларни Интернет орқали тулаш мумкин”, дея таъкидлаганди.

UZBEK.FM



Тошкентнинг “Лабзак” бизнес марказида портлаш содир бўлди.

Гувоҳларнинг хабар беришича 23 апрель соат 17:45 да Тошкентнинг Лабзак даҳасида, Шайхонтохур кўчасидаги собиқ МТС офиси рўпарасидаги 9 қаватли бизнес-

марказининг биринчи қаватида портлаш содир бўлди.

Кўп ўтмасдан воқеа жойига йўл ҳаракати бошқармаси ходимлари, ўт ўчирувчилар ва қуролланган ҳарбийлар ҳам етиб келишган. Воқеага гувоҳ бўлганларнинг

жароҳатланган ва касалхонага олиб кетилган. Бироқ кўп ўтмай портлашдан жароҳат олган аёл жон таслим қилгани маълум бўлди.

Портлаш иш вақти тугаб, бинодаги идоралар ходимларининг бинони тарқ этаётган пайтига

## ТОШКЕНТНИНГ “ЛАБЗАК” БИЗНЕС МАРКАЗИДА ПОРТЛАШ СОДИР БЎЛДИ

сўзларига кўра портлаш сабаби газнинг очиқ қолганлиги экани айтилмоқда.

Портлаш содир бўлган вақтда биринчи қаватда бир неча одам бўлган. Улардан тўрттаси турли даражадаги куйишлар билан

тўғри келмоқда. Шу боис, жароҳатланган сони ИИБ берган рақамдан ортик бўлиши мумкинлиги ҳақида хавотирлар бор. Юқори қаватдагилардан ҳеч ким жабрланмаган.

UZBEK.FM

(Давоми: Боши олдинги сонда)



Шунда Жаброил алайҳиссалом “Хожар-ул асвад” тошини олиб келди, уни Аллоҳу Таоло тўфондан кейин Абу кубайс тоғига гизлаб, сақлаган эди (468).

Исмоил алайҳиссалом бу тошни кўрган заҳоти:

- Ота, бу тош қаердан келди? — деб сўради.

- Жаброил келтирди, — деди Иброҳим алайҳиссалом. “Хожар-ул асвад”ни Каъба деворига Иброҳим алайҳиссалом жойлаштирди (469).

Ривоятга кўра, Одам алайҳиссалом жаннатдан чиқарилган пайтда бу тошни ўзи билан олиб келганди, Аллоҳ унга бу тошни Байтуллоҳга ерлаштиришни амр қилганди (470).

“Хожар-ул асвад” жаннатдан чиққанда, қордан ҳам оқроқ эди, кейин Одам ўғилларидан мушрик бўлганларнинг гуноҳлари тошни қорайтирганди (471).

Жоҳилият ва исломият даврида кетма-кет юз берган ёнғинлар ҳам унга таъсир қилди (472).

“Хожар-ул асвад” киёмат куни икки кўз ва сўзлаган тилга айланиб, уни истилом этганлар ҳақида шохидлик қилажак (473).

Иброҳим алайҳиссалом билан Исмоил алайҳиссалом Каъбани иншо этар экан, Журхум бин Обир бин Саъба, бин Ёқтон ўғилларидан ёрдам истадилар, улар ёрдам бердилар (474).

Иброҳим алайҳиссалом Каъбанинг юксаклигини 9 аршин;

Узудлигини, “Хожар-ул асвад” рукнидан Хотийм ёнидаги Шом рукнига қадар — 32 аршин;

Энини эса, Шом рукни ила Ғарб рукни орасини, 22 аршин;

Орқа тарафини Ғарб рукни билан Яман рукни орасини 31 аршин;

Йемен тарафи жабҳа энини — Хожар-ул асвад рукнидан Йемен рукнига қадар — 20 аршин қилди.

Тўрт бурчакли бўлгани учун Байтуллоҳга “Каъба” дейилди.

Одам алайҳиссаломнинг қурган Каъба тамали ҳам айнан шундай эди.

Иброҳим алайҳиссалом Каъбада замин хизосида (савиясида) эшик учун жой қолдирди. Туббаул Химери келиб, бир ҳалқали эшик ва қулф тақғунича, Каъба эшиксиз турди. Тубба Каъба учун бир ўртук тиктирди. Бу ўртук билан Каъбани ўртди ва Каъбанинг ёнида қурбон кесди (475).

Иброҳим алайҳиссалом Каъбага том қилмади, шунингдек,

## ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (11).

Каъбанинг қурилишида лой қўлланмади. Фақат тошларни устга тизиб чиқди (476).

**Иброҳим алайҳиссалом билан ўғлининг ҳаж қилгани ва одамларнинг ҳажга чақирилиши**

Каъбанинг қурилиши битганда Жаброил алайҳиссалом келди ва Иброҳим алайҳиссаломга:

- Каъбани тавоф эт, — деди.

Иброҳим алайҳиссалом билан Исмоил алайҳиссалом ҳар тавофда Хожар-ул асвад тошини истилом этарак, Каъбани етти марта тавоф қилдилар. Ва мақоми Иброҳимнинг орқасида икки ракат намоз қилдилар.

Жаброил алайҳиссалом Сафо билан Марва, Мино, Муздалифа ва Арофатда қилиниши шарт бўлган амалларни уларга кўрсатди ва ўргатди. Улар Оқоба жамрасига боришганда, Шайтон пайдо бўлди.

Жаброил алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссаломга:

- Такбир келтир ва унга тош от! — деб буюрди.

Иброҳим алайҳиссалом етти карра такбир келтириб, Шайтонга тош отди. Шайтон ғойиб бўлди. Лекин ўрта жамрада яна кўринди. Жаброил алайҳиссалом:

- Такбир келтир ва тош от унга, — деди.

Иброҳим алайҳиссалом яна етти карра такбир келтириб, тош отди, Шайтон яна ғойиб бўлди.

Шайтон сўнги жамрада такрор кўринди. Жаброил алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссаломга:

- Такбир келтир ва тош от унга, — деди.

Иброҳим алайҳиссалом етти карра такбир билан еттита тош

отди. Шайтон ғойиб бўлди. Ҳазрати Ойшанинг билдиришига кўра, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Каъбани тавоф Сафо ва Марва орасида саъй этиш ва жамраларда тош отиш фақат зикруллоҳни иқома ва тасбит этиш учун қилингандир” — деган (Аҳмад бин Ҳанбал. “Муснад,” 6- жилд, 75- ва 139-бетлар).

Шундан кейин Иброҳим алайҳиссалом Жаброил алайҳиссалом билан бирга Машъорий Ҳарамга, кейин Арофатга борди. Жаброил алайҳиссалом у ерда Иброҳим алайҳиссаломга:

- Кўрсатганим ҳаж амалларини ўргандингми? — деб уч карра

сўради. Иброҳим алайҳиссалом ҳар сафар:

- “Ҳа, — деб жавоб берди.

Арофатнинг “Арофат” дейилиши Одам алайҳиссаломнинг Ҳазрати Ҳавво билан учрашган жойи бўлгани учундир, деган ривоят ҳам бор (Ибн Саъд. “Табоқат”, 1- жилд, 40- бет; Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 60- бет; Салабий. “Ароис”, 34- бет; Ибн Асийр. “Комил”, 1- жилд, 37- бет).

Жаброил алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссаломга:

- Инсонларни ҳажга чақир! — деди.

- Қандай чақирай? — деди Иброҳим алайҳиссалом.

- Эй инсонлар, Роббингизнинг даъватига ижобат этинг, дея чақир, — деди ва бунини уч марта такрорлади (477).

Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳу Таолога:

- Ё Роб, менинг сасим одамларга қандай етади? — дея мурожаат этди.

- Сен саслан, уни инсонларга етказиш Менинг зиммамда, — деди Аллоҳу Таоло (478).

Иброҳим алайҳиссалом “мақоми Иброҳим” деб аталган тош устига чиқди (479). Тош юксала юксала тоғлардан ҳам баланд бўлди (480). Ўша онда водийлар, тоғлар, воҳалар, қуруқлик ва денгизлар; инсонлар ва жинлар — бутун ер юзи торайди, турулди, тўпланди, шимарилди.

Ва Иброҳим алайҳиссалом бармоқларини қулоқларига тикиб, соғ тарафга ва сўл тарафга, шарққа ва ғарбга йўналиб (481):

(Давоми кейинги саҳифада)



*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

- Эй инсонлар, Роббингиз бир байтга эга бўлди ва уни ҳаж этишингизни сизга амр этмоқда! (482).

Эй инсонлар, энди сизга бу Байтни ҳаж қилиш фарз қилинди (483)!

Эй Аллоҳнинг қуллари, Аллоҳга итоат этинглар!

Эй Аллоҳнинг қуллари, Аллоҳнинг (484), Роббимизнинг (485) даъватига ижобат этинг (486)! — дея сасланди (478).

Иброҳим алайҳиссаломнинг сасини ешитган ҳар нарсадан: тошдан, оғочдан, тепадан, тупроқдан (488), ҳар тарафдан (489), “лаббайак, Аллоҳим, буюр, амрингга оммадамиз, сенга итоат этамиз Аллоҳим”, деган нидолар юксалди (490).

Иброҳим алайҳиссалом даъватига ижобат этган одам зотининг илки Журхумийлар бўлди (491). Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғли Исмоил алайҳиссалом Маккадаги Журхумийлар билан бирга ҳаж қилди.

Иброҳим алайҳиссалом Минода пешин, аср, окшом ва хуфтон намозларини қилдирди. Кечани у ерда ўтказди. Бомдод намозини ҳам ўша ерда қилиб, ҳамма бир бўлиб,

## ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (11).

Намирага кетишиди. Арафотда (бугунги Иброҳим масжиди турган жойда) пешин ва аср намозини кўшиб қилдирди. Кейин халқни Арафотдаги вақфа жойига олиб борди ва вақфа бажо келтирдилар.

Кейин кун ботаётганда ҳаммаси Муздалифага боришиди. У ерда окшом намози билан хуфтон намозини хуфтон вақтида қилдирди ва у ерда қолдилар.

Бомдод намозини эрта қилиб, Муздалифа вақфасини бажо келтириб, халқни Минога олиб келди. Жамраларнинг қандай отилишини уларга кўрсатди. Бутун ҳаж амалларини бажо келтиргандан сўнг, Иброҳим алайҳиссалом Шомга жўнаб кетди.

Иброҳим алайҳиссалом ҳар йил Маккага келиб, ҳаж қиларди. Унинг завжаси Ҳазрати Сора билан унинг ўғли Исоҳқ алайҳиссалом ҳам Шомдан келиб, ҳаж фаризасини бажо келтирдилар.

Иброҳим алайҳиссаломдан кейинги пайғамбарлар ва мўмин умматлар ҳам Маккага келиб ҳаж қилишарди.

Умматлари ҳалок бўлган пайғамбарлар Маккага келиб, умрларининг сўнгига қадар у ерда Аллоҳга ибодат ва тоат ила машғул бўлишди.

Ҳажга келиб, вафот этган пайғамбарларнинг тўқсон тўққизтаси макоми Иброҳим билан Замзам орасидаги худудда кўмилгани ва етмиш пайғамбарнинг Минодаги масжидда намоз қилганликлари ҳақида ривоят бор (492).

### Ҳаж амрлари

Масъудий (346-ҳижрийда вафот этди) ҳижратнинг саккизинчи йилидан уч юз ўттиз олтинчи йилига қадар ҳаж амири бўлиб хизмат қилиб, халққа ҳаж қилдирганларнинг исми-шарифларини қайд этган. (493)

### Қуръони карим каъба ҳақида

Каъба ва унинг иншоси, Иброҳим ва Исмоил алайҳиссаломларнинг Аллоҳу Таолога этган дуолари, ҳажнинг одамларга эълон қилиниши Қуръони Каримда шундай ифодаланган:

“Шубҳасиз, инсонлар ибодат қилиши учун қурилган илк уй Маккадаги муборак ва бутун оламлар учун ҳидоят (маёғи) бўлган Каъбадирки, унда макоми Иброҳим

поклайдиган бир пайғамбар юбор! Шубҳасиз, Сен қудрат ва ҳикмат соҳибсан (\*).!” (495)

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: “Мен — бобом Иброҳимнинг дуоси, Исо бин Марямнинг муждаси, онамнинг туши эрурман.

Онам менга ҳомилалигида, тушида ўзидан Шом кўшқларини ойдинлатган бир нурнинг чикқанини кўрган эди.

Зеро, пайғамбарларнинг оналари шундай туш кўришган”, деган эди. (Ибн Саъд. “Табоқот”, 1- жилд, 149-бет; Аҳмад бин Ҳанбал. “Муснад”, 4- жилд, 128- бет)

Иброҳим ва Исмоил алайҳиссаломнинг дуоларида Аллоҳдан зурриётидан пайғамбар юборишни истагани пайғамбарлардан бири Муҳаммад алайҳиссалом эканлиги Қуръони Каримда шундай ифодаланган:

“Сизга сиздан бўлган бир пайғамбар юбордикки, у сизларга оятларимизни ўқиб, сизни поклайди, Китоб ва Ҳикматни ўргатади...” (Бақара сураси, 151-оят)

“Эсланг, Байтуллоҳни одамлар учун зиёратгоҳ ва хавф-хатарсиз жой қилдик, макоми Иброҳимни намозгоҳ қилинг, (дедик).

Ва Иброҳим билан Исмоилга менинг Байтимни тавоф этувчилар, ибодат этувчилар, руку-сужуд эгалари учун яхшилаб тозаланг, деб буюрдик.

Эсланг, Иброҳим: “Эй Роббимиз, бу шаҳарни тинч шаҳар қилгин ва унинг аҳлидан Аллоҳга ва охираг қунига ишонадиганларни турли мевалар билан ризқлантир, деб дуо қилганда, Аллоҳу Таоло: “кофирларни ҳам бир оз фойдалантириб, сўнгра дўзах азобига дучор қиламанки, бу энг ёмон оқибатдир” — деди (496).

“Инсонларга ҳажни эълон қил. Пиёда бўлсин, узоқ-узоқлардан ориқ туяларга миниб келса ҳам, сенга келсинлар!” (497).

### Каъба ва унинг тарихи

”Каъба” — муслумонларнинг қибласи бўлган Байтуллоҳнинг исми. Бу исм унга Микъоб, Муроббо (тўрт бурчакли) бўлгани учун ва ёки Маккада илк тикланган бино бўлгани учун, юксаклиги билан атрофдан ажралиб тургани учун берилгандир. Умумият-ла, арабларда ҳар юксак уйга “каъба” дейишади (498).

*(Давоми келгуси сонда)*



## РУС МИЛЛАТИ БИЗГА ЭЛ БЎЛМАЙДИ

Ассалому алайкум! Азиз ватандошларим ўн сақиз минг оламни яратган Аллоҳ доимо ўз бандаларига муждалар йўллаб келажакдан огоҳлар бериб турган бугунги кунда Украина мисолида бизга келган муждани кўриб кўрмасликка ва сезиб сезмасликка олиш биз учун катта мусибатлар олиб келади. Дини бир бўлиб, шу бугунгача ёнма ён туриб не не курашларда кўксини тутиб Россияни ҳимоя қилиб келган миллатга нисбатан бугунги кунда қилинаётган муносабатни кўриб турибсиз.

Динимиз ва тилимиз ҳамда менталитетимиз оловга солиб қоврилса ҳам қирқ кечаю қирқ кундуз қайнатилса ҳам бир-бирига асло қўшилиб кетмайдиган рус миллати бизга эл бўлмайди. Рус давлати бугунги кунда замонавий яшашда

ўзидан ортиқ бўлган Россияда муҳожир эмас балким Украина халқини оёғидан руслар бизда муҳожир бўлиб тортиб ривожланишига юришарди.

Эслаб кўрсангиз СССР деб йул қўймаликка ҳаракат қилар экан бизларга эса ҳеч қачон имкон бермайди, шу билан бирга ўзи ҳам ривож топмайди.

Тўғри, тан олишимиз шарт, бугунги кунда Россия кучли давлат, унинг ҳарбий салоҳиятига тенг келадиган давлат деярли йўқ.

Аммо бу дегани Россия билан курашиб бўлмайди дегани эмас. Ун саккиз минг оламни яратган яратгучи

учун Россияни кунпаякун қилиш сиз билан менинг семечкани чаққанимиз каби бир дақиқалик ишдир. Аввалом бор Россиянинг қувватига қувват қўшувчилар бу асосий оғир ва қора ишларни бажариб келаятган мардикор ўзбеклардир.

Россияда муҳожирликда юрган ватандошлар ён атрофингизга боқингчи, нимани кўрасиз алкаш ва ярим яланғоч ибосиз шайтоннинг малайларидан бошқа нимани кўрасиз??? Бугун россияпарас бўлиб қолган ватандошлар кўзингизни очинг, бугунки кундаги умумий ривожланишни Россия ҳукумати қилаётгани йўқ, улар аксинча барча ривожланувчиларнинг оёғига тушов бўлмоқдалар. Аслида бизнинг президент И.Каримов тўғри ва халқчил замонавий сиёсат олиб борганида эди, биз бугунки кунда

Россияда муҳожир эмас балким бизда муҳожир бўлиб юришарди.

Эслаб кўрсангиз СССР деб аталмиш давлатда биз ўзбеклар яшаш учун ёки ишлаш учун Россия томон талпинмаганмиз. Бир замонларда ҳар хил қурилишлар ташкилаштирилиб ҳашарга ёки ишга таклиф этиларди, аммо шунда ҳам ўзбек миллати камдан кам ҳолларда ишлашга боришарди.

Шу сабабли ҳам, бугунги кунда Украина фожеасидан, Қирим оккупациясидан тўғри хулоса чиқариш ва келажакда бизда ҳам худди шу каби ёки шунга ўхшаш бошқа шаклдаги замонавий босқинчилик бўлиши табиғлигини унутмаслик керак. Шуни ҳам инкор этмаслик керакки Ўзбекистоннинг бугунги кундаги замонавий технология ва тараққиётдан ортда қолиши Россияга жуда ҳам керак.

Шу сабабли ҳам Россия матбуотида ўзбек сиёсати, унинг қолоқлиги ҳақида қисқа ва маъносиз маълумотлар ёзиш билан кифояланади. Бугун бўлма ҳам эртага бизнинг кун келади, яъни биз ўз йўлимизни Россиясиз бошлаймиз. Бизга Украина сабоқлари етарли хулоса чиқариш учун кифоя қилади, биз ҳам «Ўзбекистонга шарафлар» шиори остида турамыз.

Бугун бўлма ҳам эртага бизнинг кун келади, яъни биз ўз йўлимизни Россиясиз бошлаймиз. Бизга Украина сабоқлари етарли хулоса чиқариш учун кифоя қилади, биз ҳам «Ўзбекистонга шарафлар» шиори остида турамыз.

**Мансур Кучли**

## ҚИРҒИЗ ДЕПУТАТИ: “ЭНДИ БИЗДА НА “ҚИРҒИЗГАЗ” БОР, НА ЗАНГОРИ ЁҚИЛҒИ”

24 апрель куни парламент мажлисида “Қирғизгаз” раҳбари Турғунбек Қулмурзаевнинг чиқишидан кейин “Республика” фракцияси депутаты Алтынбек Сулайманов “Энди бизда “Қирғизгаз” ОАЖ ҳам йўқ, газнинг ўзи ҳам йўқ”, — дея таъкидлаган. Бу ҳақда Вечерний Бишкек хабар беради. Парламент спикери Асылбек Жээнбеков бугун Қулмурзаевга ҳеч ким ҳеч қандай савол бермоқчи эмаслигини айтган.

“Барча саволларни эртага, 2013 йил учун ҳукумат ҳисоботи кўриб чиқилганда беришингиз мумкин. Ёки бу масалани ёпиқ тарзда кўриб чиқайлик”, — дейди Жээнбеков.

““Қирғизгаз”ни сотишганда “ҳаммаси яхши бўлади, мамлакат газ билан таъминланади” дейилганди... Энди нима бўлди? Бунинг учун

ким жавоб беради? Мана икки ҳафтадирки Ўшда газ йўқ. Бизда на “Қирғизгаз” бор, на зангори ёқилғи. Шундай экан, “Қирғизгаз” раҳбарининг нима иши бор бу ерда?” — дея савол берган Сулаймонов.

“Ар-Намыс” факцияси депутаты Дастан Бекешев ҳам унинг сўзларини маъқуллаган. “Биз ҳатто кимдан сўрашимизни ҳам билмаймиз. Ҳеч ким бунинг учун жавоб бермоқчи эмас: ҳукумат ҳам, парламент ҳам, хозирда ўзи йўқ бўлган “Қирғизгаз” ҳам, бошқа давлат корхонаси бўлган “Газпром” ҳам”, — дейди Бекешев.

“Демократлар” гуруҳидан депутат бўлган Исмоил Исаков, қилинган ишлар учун жавоб бериш пайти келганини айтади. “Агар Қулмурзаев айтганидек биз ўзбек газини олдиндан \$70 минг тўлаб қўйган бўлсак, нега уларни


судга бермаяпмиз? Жавобгарликка тортиш вақти келди”, — дея таъкидлайди Исаков. Маълумки, “Узтрансгаз” АК томонидан 14 апрелдан бошлаб Қирғизистон жанубига табиий газ етказиб бериш тўхтатилган. Қирғизистон томони шартномани узайтиришни таклиф қилган ва 11 апрел куни “Қирғизгаз” ОАЖ шартнома муддатини II чорак охирига қадар узайтиришни сўраб “Узтрансгаз”га мурожаат қилган. Бироқ, ўзбек томонидан жавоб келмаган.

Газ хўжалиги Ўш бошқармаси бошлиғи Маматкалик Акмалов Ўзбекистон “Қирғизгаз” ОАЖнинг “Газпром” ОАЖга сотилиши туфайли Қирғизистон жанубига табиий газ етказиб беришни тўхтатганини билдирганди.

**ЎХХ ахборот бўлими**



Йигирма биринчи асрда ҳамма нарса пулга боғлиқ, балки ўтган замонларда ҳам замонани пул бошқаргандир ёки диний қараш бошқаргандир, буниси менга коронгу. Менинг бугунги дунё қарашим бутунлай ўзгарди, яъни сиёсий дунё қарашим. Мен олдин ўйлаган ғарбнинг демократияси йўқ энди, яъни бугун дунёни пул бошқаради. Бугунги кунда давлатларда содир бўлаётган тўнтаришлар замирида ҳам пул турибди, урушлар ортида ҳам пул турибди. Пул билан яхшини ёмонга, ёмонни яхшига айлантириб кўрсатиш мумкин, бироқ омма ҳаммасини кўриб билиб туриб ҳам сукут сақлаши мумкин. Бугунги



## ДЎСТНАЗАР ХУДОЙНАЗАР: “ҲАММА НАРСА ПУЛГА БОҒЛИҚ”

кунда бутун дунё диққат марказида бўлган Украинадаги “майдон”да ва шу билан бирга, шаҳар ва қишлоқларда бўлиб, ўз кўзим билан кўриб, инсонлар билан суҳбатлашиб шунга амин бўлдимки — бугун халқларни қулга айлантирувчи куч бу — пулди. У кимда кўп бўлса ғалаба шуники. Украина ҳарбий қисмида хизмат қилувчи бир сержантнинг турмуш ўртоғи ва тўрт ёшли фарзанди билан суҳбатлашиб қолдим. Йул четида боласи билан ёмғирда турган аёлни кўриб бефарқ ўтиб кета олмадим, ҳайдовчидан илтимос қилиб “кел шуларни олиб кетайлик” — десам ҳа мени ҳам ҳаёлимдан ўтди шу фикр, деб машинани тўхтатиб қайтиб олди. Ёмғирда шалаббо бўлиб кетган она ва тўрт ёшли бола машинамизга тортиниброк ўтиришди. Онаси пинжига кириб олган бола бир неча минутдан сўнг бир оз ўзига келиб қолди. Болаканинг исми Андрей онасининг исми эса Лена экан. Мен уларни суҳбатга тортиб шу ёмғирда қаердан келишларини ва қаерга боришларини сўрадим. Йўлимиз деярли бир экан. Улар Львов вилоятида хизмат қилаётган оталарининг ёнидан қайтишаётган экан, пулари тугаб қолибди. Шу сабабли катта йулга чиқишга ва қўл кўтариб туришга мажбур бўлишибди.

Ленанинг айтишича эри десант ҳарбий булимида хизмат қиларкан. Унинг сўзларига кўра, ҳозирда ҳарбий бўлимда солдатларга бир кунда ярим буханка нон ва уч банка килки, яъни балик консерваси беришаркан холос. Мен буни эшитиб: “Нега? Ҳарбий

бўлимларда ўз ошхонаси бўладику!” — десам, у қулиб сиз хизмат қилган замонлар ўтиб кетган деди. Мен Киев майдонида турганларни, оддий майдон иштрокчисининг кунига 25 доллар пул олишларини эсладим. Бундан ташқари, бир неча кун олдин Мариупольда майдонга таклиф этишганини ва майдонга йиғилганлар сони беш мингга етса мен ҳар куни 350 доллардан пул оламан деб гапирган украин йигитни эсладим. Кизиғи шундаки, давлат таъминотида бўлган ватан ҳимоячилари бугунги кунда бир кунда уч банка килки ва ярим буханка нон олса майдонда турган одий тўс-тўполончи 25 доллар олади. Ўнбоши, элликбоши ёки юзбошилар қанчадан пул оладилар буниси номаълум.

Йулимиз ҳали узоқ бўлсада она болани катта йўлдан 12 км четроқда бўлган қишлоқларига ташлаб ўтдик. Мени ҳайратга солган нарса шу бўлдики Украинадаги бўлаётган ходисалар халқнинг хохиши эмас, балки бу эллик ёки отмишга яқин чўнтаги пулга тўлган депутатларнинг хохишлари эканлигидир. Бундан бошқа нарса эмас... Чунки “русофоб”лар ҳам пул олганликлари сабабли кўчага чиққанлар, майдондагилар ҳам пул олганликлари сабаб майдонда турибдилар. Оддий халқнинг бунга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

БТР (зирхли транспорт) ва танклар устида маскалар кийиб марди-майдон бўлиб юрганларда ҳам ватанга бўлган туйғу йўқ. Уларнинг ҳам ҳар бири бугунги кунда оладиган пулини ўйлайди холос. Мен Донецк, Мариуполь ва

Запорожье шаҳарларида бўлдим. Танк ва БТРларда кўкрак кериб маска кийиб юрганлар билан суҳбатлашишга ҳаракат қилдим. Ҳозирги ҳукуматдагиларнинг ҳар қандай йўллар билан ҳолатни кўпиртириб кўрсатаётганлигининг, янгидан янги фитнеслар уюштирилганликларининг гувоҳи бўлдим. Ўз навбатида, Россия айғокчиларининг ҳам фитнес чикарувчи ҳаракатларини кўрдим. Ҳаммасининг замирида пул эканлигини кўрдим. Украина халқи бу жанжаллардан ҳеч нарсага эришмайди, балки яшаш шароитлари янада оғирлашади холос.

Қишлоқ аҳолиси қишлоқ хўжалик ишлари билан машғул. Халқда пул бор. Ҳукумат жар солгани каби Янукович бир кунда банклардаги ва давлат хазинасидаги пулларни олиб кета олмабди. Интернетдаги аксариат маълумотлар ёлғондир. Чунки Мариупольда ҳарбий бўлимга 400 киши ҳужум қилгани йўқ. Аммо, ёнилғиси тугагунча иккита қирувчи самолёт шаҳар устида парвоз қилиб одамларни уйқудан уйғотиб қўрқув солиб турди.

Шаҳарларга кириш чиқишда турган блок-постлар ҳам барчаси хўжакўрсинга, чунки, мен кеча 900 км йўл босиб деярли барча шарқий шаҳарларда ўндан ортиқ блок-постлардан ўтдим. Ҳеч бирида тўхтатиб сидқи-дилдан машина юкхонасини текширишгани йўқ ёки менинг ҳужжатимни ҳам сўрашгани йўқ. Номигагина саломалик қилгандан сўнг бизни ўтказиб юборишди холос.

Дўстназар Худойназар  
20.04.2014

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Солих бу вазиятга Эрк партиясининг порахўрлик ва коррупцияни танқид қилиб, иқтисодий ислохотлар талаб қилгани боис тушганини яхши биларди. “Министрлар кундан кун бой, халқ эса тобора камбағаллашиб бормоқда”, деди Солих”. (The San Francisco

## ҚУРОЛСИЗ КИШИНИНГ ОЗОДЛИГИ

(Хужжатли фильм сценарийси)

Chronicle, 19.02.1993)

Муҳаммад Солих (1993 йилги мурожаат): «Азиз дўстлар! Мен сизларга мурожаат қилмоқчиман. ЭРК партиясига ёрдам беринг, демокчи эмасман. Чунки Сиз ўзингиз ёрдамга муҳтожсиз. Шикоят қилмоқчи эмасман, чунки шикоят сизларда ҳам кўп. Аксинча, шикоятни бас қилайлик, кўз ёш тўкишни тўхтатайлик, дея мурожаат қилмоқчиман. Чунки тақдиримизни ўзимиз, фақат ўзимиз хал қилишимиз мумкин. Бизга Америка ҳам, Оврўпо ҳам ёрдам бера олмайди, бизни кутқара олмайди. Бизнинг халоскоримиз фақат ўзимиздир. Зулм билан мураса қилманг, дея мурожаат қилмоқчиман. Аллоҳдан бўлак ҳеч кимга бош эгманг, дея илтимос қилмоқчиман. Бизни ҳам онамиз озод тукқан, инсоний ҳуқуқларимизни ҳам Конституция эмас, Аллоҳ таоло берган.

Миллат ўзини танимоғи учун эса, ҳар бир шахс ўзини танимоғи керак. Инсон ўзининг қурт-қумурсқа эмаслигини ниҳоят англамоқ пайти келди. Ўз эрки, ўз озодлиги, ўз кадр-қимматини баланд тутмаган инсон миллат кадр-қимматини қандай кўтаради?

Ҳозир тинчлик-осойишталик ҳақида кўп гапириш урф бўлган. Биз ҳам гапираемиз. Аммо тинчлик деганда, мен турма тинчлигини тушунмайман. Тинчлик деганда қабристон тинчлигини англамайман ва англашни ҳам истамайман. Тинчлик деганда, тўғри сўзини айтишдан кўриқиб, тилини ютиб турган оломон жимлигини ҳам англамайман. Тинчлик мен учун – адолат туйғусининг юракларда ўрнатган мувозанатидир. Ҳар бир инсоннинг, ҳар бир ижтимоий гуруҳнинг ҳуқуқларда тенглигидир, уларнинг бир-биридан розилигидир. Мен тинчликни шундай тушунаман».

Бошловчи: 1993 йилнинг апрел ойининг бошида эса Муҳаммад Солих ҳибсга олинди ва ИИВ ертўласига ташланди.

Хукуматнинг мақсади, ҳаёт даражаси кундан кун тушиб бораётган, бугун-эрта бош кўтаришга шай турган оломондан Муҳаммад Солихни маълум муддатга узоқлаштириш эди. Аммо хукумат “Эрк” лидерини ИИВ ертўласида уч-турт кун сақлай олди холос. Солихни дунё ҳамжамияти босими натижасида

озод этишга мажбур бўлди.

Бу воқеалардан сўнгра, кечаси Мамадали Маҳмуд бошчилигида бир гуруҳ дўстлари келиб, ундан маълум муддат Тошкентни тарк этишини талаб қилишди. Солих уларга қулоқ солмади. Бу воқеалар ҳақида “Йўлнома” ўзининг китобида Муҳаммад Солих шундай ёзади: «Мен Ўзбекистондан кетишни истамасдим. Аммо соат тонгга яқин мени яна уйғотишди. Яна ўша дўстлар келганди. Мамадали Маҳмуд куюниб гапирди, «Қамоқда ҳеч нарса қиллолмайсан, лекин ташқарида бир ишлар қилишинг мумкин, деди. Агар камалсанг, йигитларнинг ҳам руҳи тушиб кетади, ташкилот ўлади. Агар Чўлпон ва Фитрат ҳам вақтида бу юртни тарк этганларида эди, балки тирик қолишарди. Сен бу хатони такрорламаслигинг керак, деди. Тасаввур қиласизми, бу инсон бугун ўзи турмада. Мамадалининг самимияти мени енгди. Мен Ўзбекистонни тарк этдим».

### САМАРАСИЗ ҚАСОС

М.Солих: «Қозоғистонда икки кун қолдим. Сўнг учоққа билет олиб, Боқуга келдим. У ерда Озорбайжон Президенти Абулфайз Элчибей билан кўришдик. «Сизнинг вазиятда ташқарида фаолият олиб бориш оптимал йўл», деди Элчибей. Бу фаолият учун ёрдамини аямаяжгини айтди».

Ариф Ожал: “Элчибей яқиндан кузатиб борарди Муҳаммад Солих фаолиятини. Бир пайтлар мен Муҳаммад Солихнинг “Туркча гапир” шеърини ўзбек туркчасидан озарий туркчасига ўгириб, қўлёзмасини берганимда, Элчибей уни ўқиб, “Мана бир шоирнинг, бир зиёлининг ўз тилига, ўз халқига муносабати қандай бўлиши керак!” деган эди”.

М.Солих: Бир хафта Элчибейнинг мехмони бўлдим, сўнгра Туркия Президенти Турғут Озалнинг даъвати билан Туркияга йўлга чикдим. Истанбулда мени Озарбойжон-

нинг Бош Консули эски шоир дўстим Аббос Абдуллоҳ кутиб олди”.

Бошловчи: Муҳаммад Солих мамлакатни тарк этганидан сўнг, хукумат ишга киришиб кетди.

Амалда ЭРК партиясининг раҳбари мақомига ўтириб қолган партия котиби Содиқжон Йигиталиев Президент саройига чақиртирилди. Саройда унга «Партия съездини чақириб, Муҳаммад Солихни раислик лавозимидан олиб ташласанлар, партия мол-мулки қайтариб берилади, сизга эса Президент саройида иш берамиз», дейишди. Йигиталиев хукуматнинг бу лўттибозлигини жамоатчиликка «сиёсий партия сифатида жон сақлаб қолишнинг ягона йўли» деб тақдим этди. Партиянинг бошқа баъзи етакчиларига ҳам бу йўл маъқулдек туюлди. Лекин кўпчилик бу таклифга қарши чикди. Шунга қарамай, партия съездини чақириб қарор қилишди. Миллий Хавфсизлик Хизмати Муҳаммад Солихнинг ўзи йўқ бўлса ҳам, уни партия лидерлигидан олиш осон кечмаслигини яхши биларди. Шунинг учун партия лидерини обрўсизлантиришга киришди. Қаерданир “ЭРК” Марказий Кенгаши аъзоси Сафар Бекжонга бир пайтлар қандайдир музей тангасини берган нусхани излаб топишди. Унинг қўсатмасига асосан Сафар Бекжонни ҳибсга олишди. 1993 йилнинг июль ойи эди.

Содиқжон Йигиталиев Сафар Бекжон ҳибсда сақланаётган ИИВ ертўласига келиб, ундан «Бу тангани олишни мендан Муҳаммад Солих илтимос қилган», деб кўрсатма беринг», дея илтимос қилди. Унга ҳатто бу ҳақда олдиндан ёзиб қўйилган икромномани ҳам кўрсатишди. Агар шунга имзо чекса, уни ҳозирок озод қилишга ваъда беришди. Лекин Сафар Бекжон бундай ёлғон гувоҳликка қўл қўйишдан бош тортди. Уни 3,5 йилга озодликдан маҳрум этишди... Хукумат матбуоти эса бу орада «Муҳаммад Солих – танга ўғриси» деган ўйдирма асосида уни айбловчи кампания бошлаб юборди. Бу иш бир ой давом этди. “Ўғри ким?” деган энг сўнгги мақола эса “Ўзбекистон овози” газетасида съездга уч кун қолганда чоп этилди. Партия съезди 1993 йилнинг 25 сентябрь куни Текстилчилар саройида бошланди. Лекин Съезд бир овоздан Муҳаммад Солихни яна партия раиси қилиб сайлади. Бу хукуматнинг тамомила мағлубияти эди. Энди хукумат

(Давоми кейинги саҳифада)



(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

“ЭРК”чилардан шафқатсизларча ўч олишга киришди. Съездда иштирок этган икки депутат – Насрулло Саидов ва Имом Файзиевларга жиноий иш очиб, иккаласини ҳам Парламентдан четлатишди. Съездда фаол иштирок этиб, маъруза қилган Эломон Шукуровни эса ўша заҳотиёқ

## ҚУРОЛСИЗ КИШИНИНГ ОЗОДЛИГИ

(Хужжатли фильм сценарийси)

ҳибсга олиб, ўша ерда ўлдириб юборишди...

### СУРГУН ИЧИДА СУРГУН

*Бошловчи:* Муҳаммад Солиҳ Туркия сиёсатчилари, зиёлилари ва жамоат арбоблари орасида дўстлари талайгина эди.

Солиҳ Турк халқларини бирлаштириш тарафдори бўлган машҳур сиёсатчи Алпарслон Туркаш, Туркия бош вазири айна пайтда таниқли шоир Буланд Эжевит наздида ҳам катта эътиборга эга эди. Муҳаммад Солиҳ Истанбулга ерлашгандан сўнг, у ерда «Эрк» ва «Форум» газеталарини чиқара бошлади. Муҳаммад Солиҳ Истанбулда ўзининг «Ойдинлик сари» номли кичик китобчасини нашр этди. Бу китобда ЭРК лидерининг сиёсий қарашлари ва давлат қурилиши ҳақда тушунчалари акс этганди. Муҳаммад Солиҳнинг бу фаолиятдан Каримов даҳшатга тушди ва Солиҳни Туркиядан қувиб чиқариш учун Турк ҳукуматини бир йил давомида шантаж қилди. 1994 йил май ойида Ўзбекистоннинг Анқарадаги элчиси Убай Абдураззоқовни Тошкентга чақириб олди. Сўнгра Туркиядаги 2500 талабага ҳам ўлкага қайтиб келиш буюрилди.

Туркия президенти Демирел Муҳаммад Солиҳни чақириб, унга Олмонияга кетишни тавсия қилди. Муҳаммад Солиҳ Франкфуртга йул олди. Каримов муҳолифат лидерларини юртдан бадарға қилгач, Америка билан алоқаларни яхшилашга интила бошлади. 1995 йилнинг бошида АҚШ Миллий Демократия институти таклифига биноан, Ўзбекистон ҳукумати ва муҳолифатни яраштириш семинари бўлиб ўтди. Унга Франкфуртдан Муҳаммад Солиҳ («ЭРК») ва Истанбулдан Абдурахим Пўлатов («Бирлик») таклиф этилган эдилар. Каримов ҳукумати вакили сифатида Ўзбекистон Адлия вазири Алишер Мардиев иштирок этди. Каримов Америкага Адлия вазиридан бошқа яна бир ҳайъат йўллаган

эди. Бу ҳайъатга Президентнинг ишончли маслаҳатчиларидан бири Мурод Муҳаммад Дўст раҳбарлик қилаётганди. Ҳайъат таркибида Муҳаммад Солиҳнинг яна бир дўсти, Эркин Аъзам ҳам бор эди. Улар муҳолифатни яраштириш бўйича норасмий мулоқот олиб бордилар. Ҳайъат Муҳаммад Солиҳ би-

лан икки марта учрашди, иккинчи учрашув Академик Сагдеевнинг Вашингтон чеккасидаги машҳур вилласида, яъни унинг қайнотаси президент Эйзенхауэрнинг эски дала ховлисида ўтказилди. Бу норасмий дипломатия ҳам самара бермади.

Бу самарасиз мулоқотдан сўнг Каримов ҳукумати “ЭРК” партиясига «Туркия разведкаси ёрдамида давлат тўнтариши тайёрлаш» деган янги айблов билан чикди. Бу «Тўнтариш» аслида 11 нафар ёш йигит уч-тўрт кишилик гуруҳга бўлиниб, Ўзбекистонга “ЭРК” газетасини олиб кириш эди. Уларнинг газета билан келаётганини ЭРК ичига кириб олган Ички Ишлар Вазирлигининг 7 бўлими айғоқчиси Атхам Розиков ИИБ га етказганди. Розиковнинг ихбори бўйича ушланган бу 11 ёш йигит кийноқлар остида М.Солиҳга қарши кўрсатма беришди. 1996 йилда Туркиянинг Миллиятчи Халқ партияси лидери, таниқли сиёсатчи Алпарслон Туркаш Ислом Каримовга уни Муҳаммад Солиҳ билан яраштириш мақсадида бир мактуб ёзди.

Туркаш ўта нозик дипломатик тилда ёзилган бу мактубда сулҳ ва ярашувга рози бўлиш, бир-бирини кечириш кучли ва буюк шахсларга хос фазилат эканини айтиб, Ислом Каримовни ҳам ана шундай мард ва жасур лидерлар қаторида кўришига умид қилаётганига алоҳида урғу берганди. Туркаш ўз хатининг сўнгида Каримовдан Муҳаммад Солиҳга Давлат маслаҳатчиси лавозими беришни илтимос қилганди. Ва Каримовга ёзган бу мактубини қуйидаги кичик хатни илова қилиб, Муҳаммад Солиҳга ҳам юборди: “Ҳурматли Муҳаммад Солиҳ Бей афанди, Ўзбекистон Президентига ёзганим шахсимга оид мактубининг бир суратини Зоти Олийингизга тақдим этяпман. Ўқиб, фикрингизни билдиришингизни умид этаман. Махсус салом ва эҳтиромимни йўллаб, пешонангиздан ўпиб қоламан.

Алпарслон Туркаш – Раис”.

“Муҳаммад Солиҳ Алпарслон Туркашнинг бу хати ҳошиясига шу икки жумлани ёзиб, хат муаллифига факс орқали қайта йўллади:

“Мухтарам Бошбуғум, мактубингизнинг шу қисмини (“Муҳаммад Солиҳга Давлат маслаҳатчиси лавозими беришни илтимос») олиб ташласак яхши бўлади. Мен золимдан ҳеч нарса истамайман. М.Солиҳ”

Ўзбекистон Президентидан эса қуйидагича жавоб келди: “Ҳурматли жаноб Алпарслон Туркаш, Менга Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчиси орқали 1996 йил 4 августида йўллаган, доно фикрларга бой мактубингизни катта қизиқш ва эътибор билан ўқиб чикдим. Ўзбекистоннинг мустақиллик йиллари мобайнида эришган ютуқларига берган баҳонгиз мени жуда таассурлантирди... Мустақиллигимизнинг беш йиллиги биз танлаб олган ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлимизнинг халқимиз ва жамиятимиз томонидан қўллаб-қувватланиши Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўсини мустаҳкамлаш, жамиятимизни жипслаштириш йўлининг тўғри эканини яна бир бор тасдиқлайди. Шундай кишилар бор эдилар-ки, улар танлаган йўлимиз учун курашдилар, баъзилар бизга ишонмадилар, баъзилар эса хато қилдилар... Агар бундайлар шу бугун ўз хато ва янглишликларини тушуниб етган бўлсалар, ҳеч ким уларни меҳнат қилиш ва Ўзбекистон келажаги ва фаровонлигига ўз ҳаётини учун яна баъзилар талай хатога йўл қўйишди. Агар бугун улар ўз хатоларини англаб етган бўлсалар, улар бундан кейинги ҳаётларини Ўзбекистон келажаги учун бағишлаш ҳуқуқидан ҳеч ким маҳрум этмайди. Жаноб Муҳаммад Солиҳга келдиган бўлсак, у ҳам бошқалар каби худди шу йўлдан бориши мумкин, аммо бунинг учун олдиндан канадайди шартлар ёки ахдлашувлар қуйиш тўғри бўлмас, ҳамма нарса ҳеч қанақа шартсиз ва жамиятда алоҳида ўрин эгаллашга даъвосиз бўлиши лозим. Сиз ўзингиз, ҳурматли жаноб Алпарслон Туркаш, ҳамма нарса Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқ бўлиши шарт эканлигини яхши биласиз.

Қамоли эҳтиром билан Ислом Каримов. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Тошкент 1996 йил, 18 ноябр”.

(Давоми келгуси сонда)

*(Давоми: Боши олдинги сонда)*

Бугунги кунда 50 дан ортик асосий аҳолиси мусулмон бўлган давлатлар бор. Лекин иқтисодий, ижтимоий, сиёсий жиҳатдан андоза (эталон) бўлгудай, намуна қилгудай бирорта ислом давлати йўқ. Мавжуд ҳар бир оқим раҳнамолари эса, бор овозлари билан фақат уларнинг мафкураси билан тузилажак давлат ҳақиқий исломий давлат бўлади деб иддао қиладилар.

билан диний душман, дин бузувчи деб қарайдиган қилиб қўйган.

Шоирнинг:

“Ўзни доно билган уч-тўртта нодон

Эшак табиатин қилур намоён.

Улар қаторида сен ҳам эшшак бўл

Бўлмаса кофир деб қилурлар эълон”.



## ДЕМОКРАТИЯ ВА ИСЛОМ: ЗИДДИЯТМИ, УЙҒУНЛИКМИ?

Шундай амалга ошмас, ҳаёлий, нотайин даъволар билан миллиардлаган мусулмонларни ички зиддиятлар ботқоғига ботириб, қолоқликда ушлаб келмоқдалар.

Бот-бот, бизнинг юртларда ҳам жадидлар ҳаракати сингари фидоийлар миллатни қолоқлик ботқоғидан чиқаришга ҳаракат қилган. Лекин ўз қорнидан бошқа ғам-ташвиши бўлмаган, умматнинг ахволидан сўз очсанг, “Аллоҳнинг иродаси” ни рўқач қилишдан нарига ўтолмайдиган мутаассиб дин пешволари “динни сақлаб қолиш” баҳонаси билан, бу фидоийларнинг бошига етган.

Ҳозирги мавжуд барча оқимлар раҳнамолари ҳам бир қадар сўзамолроқ бўлсаларда, ўз эргашувчиларини диний ихтилофлар ботқоғига ботирмоқдалар.

Уларнинг Аллоҳ, Пайғамбар, дин номидан баландпарвоз сўзлаб, “мана бизнинг йўлимиз ҳақ” деб, бошқа оқимлар айбини санаб, тез кунда исломий давлат курамин, нажот яқин, нусрат яқин деган алжирашлар билан аврашларига учмаслик лозим. Чунки, мусулмон бўлганлари учунгина Аллоҳ Таоло уларнинг ишига мўъжизавий тарзда нусрат юбормайди!

Бир рус адабининг ”Дунёни гўзаллик кутқаради” деган гапи бор. Ғарб давлатларининг бугунги ютуқларининг асосий сабабларидан бири ҳам халқининг ўзаро адоватга эмас, гўзалликка, яхшиликка интилиши бўлса ажаб эмас.

Умматнинг тилини соқов, кўзини кўр, қулоғини қар қилиб қўйган, мавжуд исломий ақиданинг асосий қисми деб тушуниб қолган НАФРАТ, АДОВАТ мусулмонларни нафақат бошқа дин вакилларига, балки ўз динларидаги сал ўзгачароқ, илғорроқ фикрлайдиган диндошларига ҳам бадгумонлик

деган сўзлари ҳали ҳам ўз замонавийлигини йўқотмагани ачинарли.. Гўё қаёққа қарама ҳаммаёқ душман...

Шунинг учун мусулмон давлатда яшаётган одам ҳам ўзини душманлар орасида яшаётгандай ноқулай сезади. Инсон зотига ҳурмат билан қарашни асосий қоида қилиб ушлаган инсонпарвар давлатларда эса, номуслмонлар орасида ҳам ўзини дўстлар орасидагидай эркин сезади.

Тақдирнинг бу “ҳазилини” қарангки, бизнинг Пайғамбаримиз с.а.в.нинг “Боши майиздай қора ҳабаш сизларга бошлиқ бўлса ҳам, унга итоат қилинлар” деган буйруқларининг реал ижроси дунёга ҳокимлик қилаётган, илғор, тўғри дин вакиллари тарафидан “ботил дин вакиллари” деб номланаётган халқ яшаётган Америка давлатида амалга ошди.

Ошганда ҳам юқоридан кимларнингдир буйруғи билан эмас, халқнинг танлови, сайлови билан гўзал бир услубда амалга ошдики, бу Яратувчининг гўё, биз ношудларга “—Эй мусулмонлар, кўзингни оч!” – деган писандасига ўхшайди.

Аллоҳ таоло ўзининг илм ва ақл уммонидан бир томчи берган насибасини, неъматини ғайриислом халқлар керакли жойларга ишлатиб атомни, компьютерни ижод қилиб, энди бу иккаласидан ҳам инсоният тараққиётига муҳимроқ таъсир кўрсатади деб тан олинаётган нанотехнология соҳасини ривожлантираётган маҳалда биз шу буюк неъматни – ақлни – ноўрин масалавозлик, адоват ва нафрат тарқатиш, бир-биримизга адоват уйғотиш йўлида ишлатишимиз ва яна “нусрат яқин” деб ўзимизни ҳам бошқаларни ҳам алдаб келишимиз хиёнат бўлмай нима ахир?!

Адашишнинг ҳам охири бўлади-ку...

Бу фақат хиёнат ва режалаштирилган онгли хиёнатдир...

Ислом юртларидаги инсон ҳуқуқлари борасидаги носоғлом муҳитнинг асосий сабаби инсон ва унинг ақлини, ихтиёрини, ҳуқуқларини ҳурмат қилиш биринчи ўринга қўйилмаганидир.

Мусулмонлар афёоли ва ахлоқидаги жиззақилик, бўлар-бўлмасга бир-бирларини энг ёмон гумон ва атамалар билан атайверишлари, ўзаро ҳурмат, инсонпарварлик ва одабийликнинг камайиб кетгани, жамиятнинг бирлигини, жипслигини таъминловчи асосий омил бўлиши керак бўлган диннинг терс таъсир бераётганининг сабаби ҳам айнан шу – инсонни эъзозлаш, ҳурмат қилиш борасидаги исломнинг қонун қоидаларини тушунмасликдандир.

Сон-саноксиз оқиму-ҳизбларга бўлиниб олиб, ўз гуруҳидан бошқаларга таҳқир ва камситиш назари билан қараб, халқни, умматни фирқаларга бўлаётган, жамият ичида фитна кўзиётганлар агар ўз таассубларини ташламасалар, нафақат ўз диндошларини, балки бутун Ҳазрати Инсон зотини ҳурмат, эҳтиром қилишга ўтмасалар, ўз насл-насаби, келиб чиқиши ва бемисл илму-иқтидоридан ғурурланиб, Одамни эъзозлашдан бош тортиб, кибр қилиб, Аллоҳнинг қаҳрига дучор бўлган Иблиснинг кўйига тушишлари бегумон. Зотан, Одам болаларига душманлик аламзада Иблиснинг коридир.

*(Давоми келгуси сонда)*

### “ERKIN YURT”

интернет-газетаси  
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий  
нашри  
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt  
Муҳаррир: Замир Малик